



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100123, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy. Tel.: (998 71) 207-47-00. Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



006943

“ 06 ” 04 20 20 y. № 01-06/882

**Теле ва радиоканалларга
(рўйхат бўйича)**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги ўз ваколатлари доирасида реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан ўрганиш, кузатув ва назорат тадбирларини амалга ошириб келмоқда.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда бир қатор телерадиоканалларда рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини нотўғри қўллаш амалиёти мавжудлиги маълум бўлмоқда.

“Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, телерадиодастурларни яратишда, бошқа оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлашда, театр-концерт, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни уюштиришда ҳомийлар қатнашиши мумкин.

Ҳомийлик хизматларидан фойдаланилаётган тақдирда, ҳомийлар тўғрисидаги ахборот дастурнинг бошланишида ва охирида қисқа ҳамда аниқ қайд этилиши, ҳомийлар тўғрисидаги ахборот “Дастур ҳомийси” маълумоти остида берилиши ҳамда бундай ахборот телеканалларда 5 ва радиоканалларда 20 сониядан ошмаслиги лозим. Бунда, ҳомийнинг номи (номланиши) ёнида ёки ҳомийнинг ўрнига унинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) кўрсатилиши мумкин.

Ўз навбатида, ҳомийлар тўғрисидаги ахборотда **фақатгина** реклама берувчи фирма номи ёки унинг товар (хизмат кўрсатиш) белгиси **ўрнига** бошқа реклама блокларида тарқатиладиган видео ёки аудио рекламаларни жойлаштирилиши амалдаги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузилиши ҳисобланади.

Шу билан бирга, Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги Низомнинг (рўйхат рақами 1024, 2001 йил 6 апрель) 16-банди ф-кичик бандига мувофиқ, телекўрсатув (дастур)ларда видеоплашка *(телекўрсатув (дастур)лар намойиши жараёнида қалқиб чиқувчи тижорат маълумот (реклама)дан фойдаланиш таъқиқланади.* Лекин, шунга қарамасдан айрим телекўрсатувларда (айниқса, кино, сериаллар, кўнгилочар дастурлар намойиши давомида) видеоплашка орқали рекламалар узатилмоқда.

Юқоридагиларга асосан, реклама берувчи (шу жумладан, ҳомийлар) ва тарқатувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда реклама фаолиятини юритишлари сўралади.

Директор

Э.Хайтметов